

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ,
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.10.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

АБДУЛЛАЕВА СЕВАРА СОЛИЖАНОВНА

**СУТ ЙЎНАЛИШИДАГИ ҚОРАМОЛЧИЛИК ТАРМОҒИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.04-Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of the Dissertation Abstract of doctor of philosophy (PhD)
in Economics Sciences**

Абдуллаева Севара Солижановна

Сут йўналишидаги қорамолчилик тармоғини ривожлантиришнинг асосий
йўналишлари..... 3

Абдуллаева Севара Солижановна

Основные направления развития молочного скотоводства..... 23

Abdullaeva Sevara Solijanovna

Fundamental directions of development of dairy cattle breeding 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ,
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.10.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

АБДУЛЛАЕВА СЕВАРА СОЛИЖАНОВНА

**СУТ ЙЎНАЛИШИДАГИ ҚОРАМОЛЧИЛИК ТАРМОҒИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.04-Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2017.2 Ph.D/Iqt 200-рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiiame.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилди.

Илмий раҳбар

Хушматов Норкул Садуллаевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Қодиров Абдурашид Маджидович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Дўсмуратов Ганибай Давлетбаевич
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ва Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 27.06.2017.I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiiame.uz).

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiiame.uz).

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ў.П.Умурзаков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, и.ф.д., профессор

Б.Ф.Султанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, и.ф.н., катта илмий ходим

К.А.Чариев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,
и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоси XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида долзарб мавзу сифатида муҳокама қилина бошланди. Чунки сайёрамизда аҳоли сони ортиб бориши, қишлоқ хўжалиги ерларининг эса камайиб бориши, сув танқислиги ва экологик муаммолар дунё аҳлини тобора кўпроқ ташвишга солмоқда. Хусусан, 1974 йилда ўтказилган Бутунжаҳон Саммитида “исталган вақтда маҳсулотлар истеъмол қилишнинг барқарор ўсишини сақлаб туриш, ишлаб чиқариш ҳамда нархлар ўзгаришини компенсациялаш учун асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг етарлича захираларини таъминлаш зарурати” алоҳида эътироф этилган¹. Аммо, ўтган даврда дунёда озиқ-овқат таъминоти муаммоси ўткирлашиб бормоқда, айти пайтда гўшт ва сут маҳсулотлари асосий озиқ-овқатлар таркибида бекиёс аҳамиятга эгаллигини таъкидлаш лозим.

Сайёрамизда юз бераётган глобал иқлим ўзгариши чорвачилик тармоғида шаклланган маҳсулот ишлаб чиқариш тизимлари, ресурс таъминоти, маҳсулотларни сотиш ва қайта ишлаш соҳаларини кутилаётган салбий оқибатларга мунтазам мослаштириб боришни тақозо қилади. Хусусан, чорвачилик соҳасига зооветеринария хизматлари кўрсатиш, омихта ем таъминоти тизимини ривожлантириш, турли хизматлар кўламини кенгайтириш орқали хусусий тармоқда чорва моллари сонини кўпайтириш, наслчилик ишлари, ветеринария хизматлари кўрсатишда солиқ имтиёзлари бериш соҳаларини ривожлантириш зарурати ортмоқда.

Республикамиз чорвачилик тармоғида бозор муносабатларини қарор топтиришга қаратилган кенг кўламдаги ислохотлар амалга оширилиб, хусусий мулк устуворлиги таъминланди, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий асослари изчил мустаҳкамланиб бормоқда. Жумладан, қишлоқ жойларида бандликни ошириш, ички бозорни гўшт, сут маҳсулотлари билан тўйинтиришнинг муҳим манбаси сифатида қорамолчилик, паррандачилик, балиқчилик каби соҳалар ҳам кенг ривож топмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида² қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини янада қўллаб-қувватлаш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, чорва моллари касалликларига қарши курашиш, сунъий уруғлантириш тизимини такомиллаштириш каби масалалар устувор вазифа қилиб белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги (1998) Қонунлари, Ўзбекистон Республи-

¹ United Nations. 1975. Report of the World Food Conference. Rome 5-16 November, 1974. New York.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 1-ИЛОВА ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами 2017 йил, 6-сон, 70-модда

каси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сон “2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида”ги Қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Чорвачилик тармоғи самарадорлигини ошириш, тармоқда бозор муносабатларини ривожлантириш, сут қорамолчилигига ихтисослашган хўжаликлар фаолиятида кооперация ва интеграция жараёнларни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш тизимига инвестицияларни жалб этиш, экспортни рағбатлантириш масалаларида назарий-амалий аҳамиятга эга муаммолар хорижий иқтисодчи В.В.Ляшенко, И.В.Ситникова, Л.Г.Горковенко, Я.Путенко, А.Т.Мысик, Ф.Амерсдоффер, А.М.Жебит³ каби олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Республикада эса чорвачиликка ихтисослашган деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш борасида Ш.А.Акмалхонов, А.М.Қодиров, Қ.А.Чориев, Р.Р.Раджапов, Р.Х.Хусанов, Т.Х.Фармонов, Н.С.Хушматов, Ш.Файзиева, А.Х.Юлдашев⁴ каби қатор аграр иқтисодчи олимлар эътиборга молик тадқиқот натижаларига эришганлар.

Аммо, чорвачилик соҳасидаги деҳқон хўжаликларининг тез ривожланиб бораётганлиги, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши ва ҳар бир босқичнинг ўзига хос хусусиятлари, муаммолари мавжудлиги, республикада сут йўналишидаги

³ В.В.Ляшенко, И.В.Ситникова. Молочная продуктивность и качество молока голштинских коров-первотелок разной селекции. – М.: – 2013 г., Л.Г.Горковенко. Состояние и перспективы совершенствования молочного скотоводства//«Переработка молока», №5, – 2018 г.; Я.Путенко. Экологическое молоко. http://www.novostioede.ru/article/ekologicheskoe_moloko_teryaet_popul.; А.Т.Мысик. Животноводство стран мира// Зоотехния. 2005. №1. – с 2-7.; Ф.Амерсдоффер. Прямая и косвенная господдержка молочного производства в Германии// Международный сельскохозяйственный журнал. 2015. №1, с – 51-55.; А.М.Жебит. Индекс себестоимости производства сырого молока(RMCI) как инструмент снижения волатильности рынка молока. Международный сельскохозяйственный журнал. 2017. №5. – с-60-61.

⁴ Хусанов Р.Х., Қосимов М. Деҳқон хўжалигини юретишнинг илмий ва амалий асослари. – Т.: Чўлпон, 2000. – 104 б.; Фармонов Т. Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. дис. ... икт. фан. док. – Т., 2006 й., – 83-85-б.; Хушматов Н.С. Деҳқон (фермер) хўжаликларини ташкил этиш самарадорлиги ва уларнинг бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларини такомиллаштириш. дис. ... икт. фан. номз. – Т., 1994. – 22 б.; Файзиева Ш. Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг ривожланиши ва уларнинг самарадорлигини ошириш. дис. ... икт. фан. номз.– Т., 1994. – 77-79-б.; Юлдашев А. Х. Деҳқон хўжаликлариде чорвачилик//Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2001. №5. – 27-28-б.

қорамолчилик соҳаси ривожланиши учун кенг имкониятлари мавжуд бўлгани ҳолда етиштирилган сут маҳсулотлари турли йўллар билан истеъмолчига етиб бораётганлиги бу борада илмий-амалий тавсия ва таклифлар доимий равишда ишлаб чиқиш лозимлигидан далолат беради.

Шунингдек, юқоридаги олимлар изланишлари ўз даврига хос бўлган мулкчилик шаклларидаги чорвачилик хўжаликлари мисолида олиб борилган бўлиб, деҳқон ва фермер хўжаликларида сут ишлаб чиқаришни ривожлантириш, етиштирилган сут маҳсулотларини истеъмолчига етказиб бериш тизимидаги мавжуд муаммолар етарли тарзда ўрганилмаган. Шу нуқтаи назардан аҳолининг сут маҳсулотларига бўлган талабини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот етиштириш жараёнини ривожлантириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш зарурияти диссертация мавзусининг танланишига асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институтининг “Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида чорвачилик маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб бериш бўғинида аграр тадбиркорликни ва интеграция жараёнларини ривожлантиришнинг назарий-услубий асослари” мавзусидаги илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: сут йўналишидаги қорамолчилик тармоғини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сут йўналишидаги қорамолчилик тармоғини ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар ва муҳим хусусиятларни илмий асослаш;

қорамолчилик хўжаликларида экологик тоза сут етиштириш ва бозорга таклиф этиш тизимини ривожлантиришдаги илмий-амалий масалаларни назарий жиҳатдан ёритиш;

чорвачилик тармоғи ривожланиши ҳамда қорамолчилик хўжаликларида турли хизматлар кўрсатиш борасида шаклланган тизим ривожланишининг ҳозирги ҳолати таҳлиллари асосида хулосалар ишлаб чиқиш;

чорвачилик хўжаликларида қорамоллар наслини яхшилаш тизимини такомиллаштиришнинг ташкилий жиҳатларини асослаш;

сут қорамолчилиги тармоғида зооветеринария хизмати кўрсатиш соҳасини ривожлантириш йўллари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

деҳқон ва фермер хўжаликларида етиштирилган сут маҳсулотларини истеъмолчига етказиб бериш тизимини ривожлантириш йўллари бўйича илмий асосланган тавсиялар тайёрлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида сутчилик йўналишида фаолият юритаётган хўжалик субъектлари танлаб олинган. Монографик тадқиқотлар эса Андижон вилоятидаги фермер ва деҳқон хўжаликларида сут ишлаб чиқариш жараёни таҳлиллари асосида олиб борилган.

Тадқиқотнинг предметини сут йўналишидаги қорамолчилик хўжаликлариди маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий муносабатлар йиғиндиси ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида иқтисодий таҳлил, қиёсий таққослаш, абстракт мантиқий фикрлаш, монографик кузатиш усулларида кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сут йўналишидаги қорамолчилик тармоғи ривожланишига омиллар таъсири ҳамда маҳсулот етиштириш билан боғлиқ бевосита ва билвосита хусусиятлар асосланган ҳолда истеъмолчиларга “экологик сут” етказиб бериш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган;

сут-товар йўналишидаги чорвачилик хўжаликлариди замонавий, ресурс-тежамкор технологияларни қўллаш асосида қорамолларни парваришланининг моддий ва меҳнат ресурслари меъёрлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолияти шароитида тармоқда хусусий субъектларни ташкил қилиш асосида хизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштириш йўналишлари асосланган;

деҳқон ва фермер хўжаликлариди етиштирилган сут маҳсулотларини истеъмолчига етказиб беришда улгуржи бозорларни ривожлантириш асосида сут маҳсулотларини сотиш тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар тайёрланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қорамолчилик хўжаликлариди “Экологик сут” етиштириш билан боғлиқ ҳолда талаб этиладиган ишлаб чиқариш шароитлари тавсия қилинган;

чорвачилик деҳқон ва фермер хўжаликлари хизмат кўрсатишда жисмоний шахс мақомидаги хизмат кўрсатувчилар фаолиятини ташкил қилиш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

қорамолчилик деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолияти хусусиятларини ҳисобга олиб, мавжуд меъёрларга таянган ҳолда хизмат кўрсатувчи субъектларга чорва моллари юкламаси тавсия қилинган;

деҳқон ва фермер хўжаликлариди сут маҳсулотларини қайта ишлаш тизимини ривожлантиришни иқтисодий рағбатлантириш юзасидан илмий-амалий таклифлар тайёрланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги қўлланилган методик ёндашув ва усулларнинг асосланганлиги, маълумотлар базасининг расмий манбалардан, монографик кузатув натижалари асосида олинганлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертациянинг илмий аҳамияти шундаки, бозор иқтисодиёти субъекти сифатида сут йўналишидаги қорамолчилик тармоғида фаолият юритувчи хўжаликларнинг ривожланиш қонуниятлари тўғрисидаги билимлар доирасини кенгайтиради.

Шунингдек, амалий жихатдан туман ҳокимияти органларининг ҳудуд даражасида сутчилик, наслчилик йўналишида фаолият юритувчи хўжалик субъектларини қўллаб-қувватлаш, инфратузилма ташкилотларини ривожлантириш ҳамда улар фаолиятини мувофиқлаштириш йўналишларидаги Давлат дастурлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Шунингдек, тадқиқот материаллари “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” ва “Микроиқтисодиёт” фанларини ўқитишда ҳамда улар ўқув дастурларини такомиллаштириш, кейс-стадилар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сут йўналишидаги қорамолчилик тармоғини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

сут йўналишидаги қорамолчилик тармоғи ривожланишига таъсир этувчи омиллар, уларнинг таъсир қилиш механизми ва сут етиштирувчи муҳим хусусиятлардан фойдаланиш, истеъмолчиларга экологик сут етказиб беришни таъминловчи тизим фаолиятини йўлга қўйиш бўйича илмий тавсиялар Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг тегишли корхона ва ташкилотлари фаолиятига жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 14 мартдаги 011/09-477-сонли маълумотнома). Мазкур тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида деҳқон ва фермер хўжаликларидан сут ишлаб чиқариш самарадорлигини 10-15 фоизга оширишга эришилган;

сут-товар йўналишидаги чорвачилик хўжаликларидан қорамолларни парваришлашнинг замонавий, ресурстежамкор техника ва технологияларини қўллаш, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини илмий асосда ташкил этиш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг тегишли корхона ва ташкилотлари фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 06 январдаги 03-/15-22-сонли ҳамда 2017 йил 16 октябрдаги 07/15-905-сонли маълумотномалари). Бунда маҳсулот таннархини 10-15 фоизга камайтиришга эришиш, фермер хўжаликларининг мутахассислар хизматида бўлган талабининг қондирилиши эса 25-30 фоизга ортиши асосланган;

сут қорамолчилиги тармоғига хизматлар кўрсатиш тизимини самарали ташкил қилиш учун муҳим бўлган талаблар шакллантирилгани ҳолда, зооветеринария хизмати кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича таклифлар Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг тегишли корхона ва ташкилотлари фаолиятига жорий этилган (2018 йил 14 мартдаги 011/09-477-сонли маълумотнома). Мазкур таклиф натижасида тизимда хизматлар таннархини 20 фоизгача арзонлаштиришга эришилган;

сут маҳсулотлари улгуржи бозорларини ривожлантириш бўйича тайёрланган тавсиялар Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув

хўжалиги вазирлигининг тегишли корхона ва ташкилотлари фаолиятига жорий этилган (2018 йил 14 мартдаги 011/09-477-сонли маълумотнома). Мазкур таклифни амалиётга жорий этиш деҳқон ва фермер хўжаликларида сут етиштириш рентабеллик даражасини 10 фоизгача ошириши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг натижалари 4 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестацияси томонидан тавсия этилган журналларда ўн иккита илмий мақола чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, таркибига 16 та статистик ва таҳлилий жадвал, 14 та расми олган ҳолда 133 саҳифада баён этилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Диссертация ишининг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Сут йўналишидаги қорамолчилик тармоғини ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари”** деб номланган биринчи бобида сут йўналишидаги қорамолчилик тармоғи ривожланишига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг таъсир қилиш механизми ҳамда сут етиштириш билан боғлиқ муҳим хусусиятлар илмий асосланган ҳолда истеъмолчиларга “экологик сут” сут етказиб беришни таъминловчи тизим фаолияти бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Республикада аграр иқтисодий ислохотларни амалга ошириш йўналишлари, қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш бўйича белгиланган устувор вазифалар, бугунги кунда чорвачилик маҳсулотларини етиштириш борасида шаклланган иқтисодий механизмлар нуктаи назаридан баҳолаган ҳолда сут ишлаб чиқаришни ривожлантиришга таъсир этувчи асосий омиллар гуруҳланган (1-расм).

Диссертацияда сут ишлаб чиқариш жараёнига таъсир қилувчи табиий-иқтисодий омиллар; техник ва технологик омиллар; институционал-ҳуқуқий омиллар; иқтисодий-географик омиллар ҳамда агродемографик ва иқтисодий-психологик омилларнинг ҳар бири, республикада сут ишлаб чиқариш соҳаларида шаклланган иқтисодий муносабатлар доирасида

ёритилган. Ҳар бир омилнинг сут ишлаб чиқариш самарадорлиги даражасига таъсири нуқтаи назаридан моҳияти очиб берилган, унумли фойдаланишгина тадбиркорга кўзланган фойдани келтириши асосланган.



1-расм. Сут ишлаб чиқаришни ривожлантиришга таъсир этувчи асосий омиллар гуруҳи⁵

Ҳар бир омилнинг сут етиштиришга таъсири аниқ кўрсаткичларда баҳоланиши ва тадбиркорга таққослаш имкониятини бериши лозим. Бу қуйидагича йўналишда амалга оширилиши тавсия қилинади (2-расм).

Бугунги кунда илмий адабиётларда экологик маҳсулот тўғрисида билимлар тарқатилмоқда. Бу борада “Экологик сут” деганда нимани назарда тутиш мумкин?⁶

Баъзи манбаларда экологик сут сифатида пастеризация қилинган сутни қабул қилиш кераклиги эътироф қилинади⁷. Аммо, экологик сут бу нафақат зарарсизлантириш йўли билан турли касаллик кўзғатувчилардан тозаланган сут, балки ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган кимёвий воситалар, захарли препаратлар, вакциналардан ҳоли муҳитда ишлаб чиқарилган, патогенлар билан зарарланмаган маҳсулот ҳисобланади.


Тадқиқотларга асосланган ҳолда, “Экологик сут” етиштириш учун қуйидаги муҳитлар талаб этилишини келтириб ўтиш лозим:

экологик тоза сут маҳсулотлари етиштиришни йўлга қўйиш, давлат йўли билан иқтисодий рағбатлантириш ва назорат қилишнинг ҳаракатдаги ҳуқуқий базаси мавжудлиги;

⁵ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

⁶ Путенко Я. Экологическое молоко. http://www.novostioede.ru/article/ekologicheskoe_moloko_teryaet_popul.

⁷ <http://www.luxuru2.ru/blog/ekologicheskoe-moloko>.



2-расм. Сут етиштиришни ривожлантирувчи омиллардан тармоқ самарадорлигини оширишда фойдаланиш йўналиши⁸

сутчилик йўналишидаги сизирлар учун экологик тоза ем-хашак етиштириш муҳити мавжудлиги;

экологик тоза наслчилик ва насли молларни кўпайтириш муҳити мавжудлиги;

қорамолчилик хўжаликларида қорамолларни экологик тоза сақлаш ва парваришлаш муҳити мавжудлиги;

етиштирилган сут маҳсулотларини экологик тоза қайта ишлаш ва қадоқлаш муҳити мавжудлиги.

Демак, экологик тоза сут етиштиришда “Экологик сут” тушунчасининг ўзи қонунлар билан белгиланган аниқ чегараларга эга бўлиши лозим. Бунда муҳим жиҳатлардан бири – сут етиштирувчиларга “экологик сут етиштирувчи хўжалик” мақомини берувчи мезонлар қонунлар билан белгиланиши лозим, чунки бундай ҳуқуқий базасиз иқтисодий рағбатлантириш дастакларидан фойдаланиш мумкин эмас.

Диссертацияда истеъмолчиларга экологик сут етказиб бериш тизими республикамизда шаклланган сут маҳсулотлари етиштириш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тавсия қилинган (3-расм).

Маҳсулот сифатини бевосита назорат қилишда уюшган савдо тизими объектларида ташкил этилган маҳсулот сотиш жараёнини ветеринария, санитария назорати олиб бориш орқали сифатли ва хавфсиз маҳсулот сотишни йўлга қўйиш назарда тутилса, билвосита ҳолатда бозорларга кириб келаётган маҳсулотларнинг бевосита маҳсулот ишлаб чиқарувчи субъектлардаги чорва молларининг хавфли касалликлар билан касалланиш

⁸ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

олдини олиш тизими назарда тутилади. Ушбу тизимлар фаолияти доимий бўлиши лозим.



3-расм. Истеъмолчиларга сифатли чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш тизими⁹

Диссертация ишининг “Сут йўналишидаги қорамолчилик тармоғи ривожланишининг ҳозирги ҳолати” деб номланган иккинчи бобида республикамиз чорвачилик тармоғи ривожланиши ва сут ишлаб чиқариш ҳажмлари ўзгариши ҳолати таҳлил қилинган, қорамолчилик хўжаликларига хизмат кўрсатиш борасида шаклланган тизим ривожланишига баҳо берилган.

Таҳлиллар кўрсатишича, 2016 йилда 2005 йилга нисбатан қорамоллар бош сони 185,1 фоизга, сигирлар 149,4 фоизга қўй ва эчкилар 174,1 фоизга ва паррандалар сони 318,2 фоизга ортиб, мутгасил ўсиш юз берган. Айти пайтда 2005 йилда жами қорамолларнинг 92,2 фоизи деҳқон хўжаликларида, 5,0 фоизи фермер хўжаликларида ва 2,7 фоизи қишлоқ хўжалик корхоналарида парвариш қилинган бўлса, 2016 йилга келиб деҳқон

⁹ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

хўжаликлари салмоғи 94,0 фоизга, фермер хўжаликлари салмоғи эса 5,0 фоизгача ортган. Шунингдек, қорамоллар сони ўсиши деҳқон хўжаликларида хўжалик юритиш шакллари орасида энг юқори (189,7%) бўлган (1-жадвал).

1-жадвал

Республика бўйича барча тоифадаги хўжаликларда қорамоллар бош сонининг ўзгариш динамикаси¹⁰

(минг бош)

Кузатиш йиллари	Барча тоифадаги хўжаликлар	шу жумладан:					
		Деҳқон хўжаликларида	Салмоғи, (%)	Фермер хўжаликларида	Салмоғи, (%)	Қишлоқ хўжалик қорхоналари	Салмоғи, (%)
2005 йил	6534,9	6027,5	92,2	330,2	5,0	177,2	2,7
2006 йил	7005,9	6501,4	92,8	350,2	5,0	154,1	2,2
2007 йил	7458,1	6944,6	93,1	421,0	5,6	92,5	1,2
2008 йил	8024,8	7455,0	92,9	481,5	6,0	88,2	1,1
2009 йил	8510,8	7925,0	93,1	496,6	5,8	89,2	1,1
2010 йил	9093,7	8497,0	93,4	501,7	5,5	95,0	1,1
2015 йил	11641,3	10953,2	94,0	557,3	4,9	130,8	1,1
2016 йил	12165,3	11435,4	94,0	608,3	5,0	121,6	1,0
2016 йилда 2005 йилга нисбатан, (%)	186,2	189,7	×	184,2	×	68,6	×


Аммо деҳқон хўжаликларида парвариш қилинаётган қорамоллар наслилик даражаси пастлиги учун ҳам чорва молларининг зотдорлигини ошириш устида иш олиб бориш зарур. Бунинг учун аҳолига зотдор моллар етказиб берадиган фермер хўжаликларини ривожлантириш, чорва моллари наслини яхшилашдаги хизматларни фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолияти ҳамда узоқ қишлоқлар шароитида ҳам фойдаланиш мумкин бўлган шаклда ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, сигирлар сут маҳсулдорлиги даражаси тармоқда маҳсулот етиштириш иқтисодий самарадорлигини белгилаб берувчи ва натижада ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини таъмин этувчи муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Аммо сут етиштириш ҳажмини ошириш сигирлар бош сонини кўпайтириш эмас, балки маҳсулдорлик ҳисобига амалга оширилиши лозим. Чунки, республика бўйича сигирлар сони тез суръатлар билан ўсиб бораётган бир пайтда, ўртача сут маҳсулдорлиги эса бугунги кунда жуда пастлигича қолмоқда (4-расм).

Маҳсулдорлик пастлигининг сабабларидан бири бу – озуқа таъминоти даражасининг талабга жавоб бермаслигидир. Чорва моллари учун озуқа экинни такрорий экин сифатида кўп ҳолларда маккажўхори экин кузатилади.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Беда эса дехкон хўжаликлари ерларида камдан-кам ҳолларда асосий экин сифатида экилади. Тоғ ва тоғолди ҳудудларида яйловлар асосан фермерларга бириктирилганлиги ёки ўрмон хўжаликлари ерлари эканлиги боис, дехкон хўжаликлари чорва молларини боқиш имконияти тобора чекланмоқда.



4-расм. Республика бўйича хўжалиқ юритиш шакллари доирасида сигирлар сут маҳсулдорлиги (кг.)¹¹

Айни пайтда чорва молларини сунъий уруғлантириш кўлами ортмоқда. Наслли моллар генофондини бойитиш мақсадида 2006 йилда Германиянинг техник ҳамкорлик Маркази кўмагида Америка Қўшма Штатларидан Голштин, Швиц, Англер, Дания кизил каби зотли наслдор буқаларнинг музлатилган уруғлари келтирилиб, республикадаги сигирлар сунъий уруғлантирилган бўлса, бугунга келиб қорамолларни сунъий уруғлантириш учун талаб этиладиган уруғлар асосан республикамизда қадоқланмоқда.

Хусусан, 2016 йилда жами 3388 минг доза уруғликлар сотиб олинган бўлиб (йиллик режага нисбатан 97%), хизмат кўрсатувчиларга етказиб берилган. Агар сунъий уруғлантириш самарадорлигини кузатишларга асосланган ҳолда 30 фоиз деб ҳисоблайдиган бўлсак (ҳар учта уруғдан биттаси сигирларни уруғлантиради), демак республика бўйича жами 1 миллион бошдан кўпроқ сигирлар сунъий уруғлантирилмоқда. Бу кўрсаткич жами (сунъий уруғлантирилган) сигирларнинг ўртача 25 фоизини ифодалаб, асосан йирик фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади.

Шу билан бирга республикада фаолият кўрсатаётган аксари сервис корхоналари эски асбоб-ускуна, техника ва жиҳозлар асосида хизмат кўрсатмоқда, бу эса хизматлар сифати пасайишига олиб келмоқда.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Чорвачилик тармоғига сервис хизмати кўрсатиш тизимидаги қуйидаги муаммолар ечими хизмат сифати ортишига олиб келади:

– хизмат кўрсатувчи субъектлар моддий-техник базаси заифлиги ва сони етишмаслиги, мавжудлари эса асосан туман марказларида жойлашганлиги;

– деҳқон ва фермер хўжаликларида кўрсатиладиган зооветеринария хизматлари таркиби, сифати ва ассортименти талабларга жавоб бермаслиги, мутахассислар етишмаслиги;

– чорвачилик хўжаликларида банк хизматлари кўрсатиш тизимининг сут етиштирувчи субъектлар манфаатлари доирасида ишлаши учун шароитлар (сут етиштирувчиларнинг уюшмаганлиги, аксарият деҳқон хўжаликларида юридик шахс мақоми йўқлиги, кредитни қайтариш қобилияти пастлиги) шаклланиб улгурмаганлиги каби муаммоларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Ҳисоб-китоблар кўрсатишича, чорва моллари деҳқон ва фермер хўжаликларида парвариш қилинадиган шароитда сифатли ва ўз вақтида малакали зооветеринария хизмати кўрсатиш учун ҳар 1000 шартли қорамол ҳисобига ўртача 5,3 нафар ветеринар ва 2 нафар зоотехник талаб этилади. Демак, ҳар 1000 бош қорамолга ўртача 5,8 нафар мутахассис талаб қилинади. Бу республикадаги мавжуд ҳолат талабларга нисбатан 25-30 фоизни ташкил қилишини ифодалайди ҳамда зооветеринария хизматлари кўрсатиш тизимини қониқарсиз, деб баҳолашга асос бўлади.

Диссертациянинг **“Чорвачилик хўжаликларида сут ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг иқтисодий асосларини такомиллаштириш йўналишлари”** деб номланган учинчи бобида қорамоллар наслини яхшилашда хизматлар кўрсатиш тизими орқали хўжаликларни малакали мутахассислар билан таъминлаш, зооветеринария хизмати кўрсатиш соҳасини ривожлантириш йўналишлари бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган ҳамда ишлаб чиқарилган сут маҳсулотларини истеъмолчига етказиб беришда улгуржи бозорлар ривожланиши зарурати асослаб берилган.

Ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик таъминланганлигига қарамай, ҳар қандай ишлаб чиқариш самарадорлигини фақатгина ўз ишини яхши биладиган малакали мутахассислар таъминлайди. Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида замонавий техникалар, рақамли техник ускуналар тизимидан, зотдор чорва моллари, селекцион ашёлардан (музлатилган уруғлар) кенг фойдаланиш малакали меҳнатга талабни кескин ошироқда.

Соҳани малакали мутахассислар билан таъминлашда ҳудудларда мутахассислар сони сут етиштириш билан боғлиқ ветеринария ва зоотехния тадбирларини ўз вақтида ҳамда сифатли бажаришни таъмин этиши, хўжаликлар ҳажми ва даромади кичиклиги боис алоҳида мутахассисни доимий асосда ишга олиш қийинлиги, ҳудудларда мутахассисларнинг ҳаракати учун транспорт инфратузилмаси ҳолати, хизмат нархи мутахассиснинг меҳнатини ҳудуд учун шаклланган баҳолар доирасида тақрор ишлаб чиқаришга етарли бўлиши лозимлиги тавсия қилинади.

Санаб ўтилган талабларга фақат хусусий мулкчилик мақомидаги кичик ҳажмдаги субъектлар тўлиқ жавоб бериши мумкин. Айниқса, бу борада

жисмоний шахс мақомидаги субъектларнинг (ХКШ) ўрни беқиёс. Ушбу субъектлар белгиланган ҳудудда муқобиллик асосида хизмат кўрсатади ва зооветеринария хизматларининг баҳолари ва сифати мақбуллашувига олиб келади (5-расм).



5-расм. Зооветеринария хизматлар кўрсатиш тизимининг умумий чизмаси¹²

Айни пайтда ҳудудларда шаклланган қуйидаги хусусиятларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

- чорвачилик фермер хўжаликлари ўлчамлари йириклашгани боис, уларнинг кўпчилиги алоҳида малакали мутахассисларни ёллашга (доимий ёки ўриндошлик асосида) имкониятлари пайдо бўлган;
- кичик хажмли деҳқон хўжаликлари алоҳида малакали мутахассисни доимий асосда ёллаш учун молиявий имконияти етарли эмас ёки амалиётда бир неча хўжаликлар биргаликда мутахассис ёллаш тажрибалари йўқлиги боис, сифатли хизмат кўрсатишни амалга ошириш қийин ҳисобланади.

Деҳқон ва фермер хўжаликларини малакали мутахассислар билан таъминлашда қуйидагича ёндашиш тавсия қилинган:

ем-хашак етиштиришида (далачилик агрономи) – ҳудуднинг ем-хашак экин майдонлари миқдорига нисбатан аниқланиб, бунда ҳар бир маъмурий ҳудуднинг қишлоқ хўжалиги ерлари суғориладиган, лалми ерлари миқдорига мутаносиб равишда аниқланади;

сут маҳсулотлари етиштириши (зооветеринар) – мутахассислар сони, сут чорвачилигида қорамолларнинг бош сонига нисбатан аниқланади. Чорва молларини шартли мол бош сонига айлантириб ҳисоблаш тавсия қилинади.

¹² Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Республикада чорвачилик соҳасида тайёрланган мутахассисларни чорвачилик маҳсулотлари етиштириш жараёнига жалб қилишда қуйидаги усуллардан самарали фойдаланиш тавсия қилинади:

- малакали мутахассисларни йирик чорвачилик фермер хўжаликлари ва бошқа шаклдаги чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи субъектларда, зооветеринария хизматлари кўрсатувчи, сутни қайта ишловчи, ресурслар таъминоти билан шугулланувчи корхоналарда доимий ишга жалб қилиш;

- малакали мутахассисларни чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи деҳқон хўжалиқларига хизмат кўрсатувчи турли хусусий субъект мақомидаги ёки кооперация асосида хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятини ривожлантириш орқали хизмат соҳасига жалб қилиш.

Мавжуд зооветеринария хизмати кўрсатувчи субъектларга муқобил равишда қишлоқларда хусусий шахс мақомидаги хизмат кўрсатувчи шахслар фаолиятини йўлга қўйишнинг механизми таклиф қилинган ва унинг ишлаш тартиби ишлаб чиқилган. Бунда битта мутахассис учун деҳқон хўжаликлари фаолияти шароитида 400-450 бошдан зиёд қорамоллар ёки 1500-2000 дан зиёд майда шохли молларга сифатли зооветеринария хизматларини кўрсатиш асос сифатида қабул қилиниши мумкин. Шунингдек, ХКШлар учун битта мутахассисга чорва моллари юкламаси тавсия этилмоқда (2-жадвал).

2-жадвал

Қорамолларни парваришlash усулларига боғлиқ ҳолда зооветеринария хизмати ходимларга эҳтиёж миқдори¹³

Хизмат кўрсатувчи зооветеринария соҳаси мутахассислари	Қорамолларни парваришlash усули ва хўжалик юритиш шакллари			
	Фермер хўжаликлари		Деҳқон хўжаликлари	
	Чорвачилик хўжалиқларида парваришланадиган қорамоллар бош сони (400 бош қорамол ҳисобига)			
	Боғловда парваришlash	Яйловда парваришlash	Боғловда парваришlash	Яйловда парваришlash
Янги туғилган (касалланган) бузоқлар ветеринария назоратини олиб боришда	0,90	1,00	1,00	1,10
Сигирларни (ғунажинлар) сунъий уруғлантиришда	0,56	0,60	0,65	0,70
Қорамолчиликда ветеринария тадбирларини ўтказишда	1,30	1,50	1,40	1,60
Ўртача	0,92	1,03	1,02	1,10

Тавсия қилинаётган юклама чорвачилик тармоғида мавжуд бўлган меъёрларга таянган ҳолда республикамизда фаолият кўрсатаётган деҳқон ва фермер хўжаликлари хусусиятларини ҳисобга олиб, тузатишлар киритиш асосида ишлаб чиқилган.

¹³ Мавжуд меъёрларга таянган ҳолда деҳқон ва фермер хўжаликлари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда муаллиф томонидан тавсия қилинган.

Бунда фермер хўжаликлари деҳқон хўжаликларига қараганда йирикрок бўлганлиги боисдан кўпроқ қорамоллар бир жойда тўпланган, деган хулосага таянилди. Шу асосда фермер хўжаликларида 400 бош қорамол учун хизмат кўрсатувчи зооветеринария мутахассисларининг сони деҳқон хўжаликларига нисбатан камроқни ташкил этади. Шунингдек, боғлов шароитида ва яйлов шароитида парваришланадиган қорамоллар учун ҳам макон доирасида мутахассислар ва чорва молларининг ҳаракатланиши билан боғлиқ бўлган ҳолда мутахассис учун турлича миқдорда иш вақти сарф қилинади.

Харажатларни оптималлаштиришга имкон берувчи, чорвачилик хўжаликларида қорамолларни парваришlash ва сут етиштиришнинг замонавий, ресурстежамкор техника ҳамда технологиялардан фойдаланишни кўзда тутувчи намунавий истиқболли технологик карталар ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда республикада сут маҳсулотлари деҳқон бозорлари орқали етказиб берилиши сабабли деҳқон бозорлари хусусийлашиб, харидор ва сотувчи учун шароит яхшиланмоқда, савдо маданияти ортмоқда. Лекин деҳқон бозорлари асосан йирик шаҳарлар ва аҳоли яшаш жойлари яқинида фаолият юритади. Бозорлардан узоқда жойлашган деҳқон ва фермер хўжаликлари етиштирган сут маҳсулотларини истеъмолчига етказиб беришда сифатни сақлаш масаласи самарали савдо тизимини талаб этади.

Айни пайтда сут маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиш тизими талабга жавоб бермаслигидан, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар бирдай зарар кўрмоқда. Ушбу муаммоларни ҳал этишда мавжуд ҳолатни кузатиш ва шаклланган механизмларга эътибор қаратадиган бўлсак:

– сут маҳсулотлари билан савдо қилувчи кичик улгуржи бозорларни ривожлантириш, улгуржи бозор билан деҳқон ва фермер хўжаликлари ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатни такомиллаштириш, аҳолини озиқ-овқат билан таъмин этишда катта аҳамиятга эга;

– деҳқон бозорлари тизими орқали деҳқон хўжаликларида етиштирилган сут маҳсулотларни сотиш ва ишлаб чиқарувчилардан бевосита жойида тузилган фьючерс шартномалари асосида харид қилиш амалиётини ривожлантириш мақсадга мувофиқ;

– замонавий сақлаш тармоқлари, музлаткичлар билан жиҳозланган омборларга, хизмат кўрсатиш инфратузилмалари, савдо-сотиқ учун шароитларга эга, халқимизга хос бозор маданиятини мужассамлаштирган деҳқон ва улгуржи бозорларни ривожлантиришнинг ташкилий ҳамда иқтисодий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш долзарблик касб этмоқда.

Сут маҳсулотларини харид қилиш ва сотишда улгуржи бозорлар ташкил этиш зарурати асосан қуйидагилар билан изоҳланади:

– деҳқонда бир вақтнинг ўзида маҳсулот етиштириш, бозорларни ўрганиш, харидорлар қидириш ва маҳсулотнинг истеъмолчигача етиб боришидаги ҳаракатини самарали таъминлаш имконияти йўқ;

– маҳсулотларни асосан деҳқон хўжаликлари етиштириши ва уларнинг сони кўплиги, тарқоқ жойлашуви ҳамда рақобат кураши уларнинг маҳсулот сотишда ҳамжиҳат бўлиб ишлашлари учун имкон бермайди;

– деҳкон хўжаликларида етиштирилган кичик ҳажмли сут маҳсулотларини хўжалик томонидан бозорга чиқариш, транспорт ва бошқа сарфлар ҳисобига маҳсулот таннархи ошишига олиб келади;

– сут маҳсулотларини бозорга чиқариш ва сотишда саралаш, кадоклаш, сақлаш ва ташиш учун махсус транспорт воситалари, совутиш тизими талаб этилади. Ушбу масалаларни кичик хўжаликларда самарали ҳал этиш имкони чекланган бўлиб, ихтисослашган бозорлар доирасида самарали ҳал этилиш мумкинлиги улгуржи бозорларни ривожлантириш заруратини кўрсатади.

Сут ва сут маҳсулотларини харид қилиш ва сотиш борасида фаолият олиб борадиган улгуржи бозорларга муқобил сифатида ва ҳозирги кунда маҳсулот сотиш борасида шаклланган тизимни такомиллаштириш варианты ишлаб чиқилган ва тавсия қилинган (6-расм).



6-расм. Сут маҳсулотларини сотиш тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар¹⁴

¹⁴ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Бунда етиштирилган ва товар сифатидаги сут маҳсулотларининг 70 фоизини “Сут маҳсулотларини тайёрловчи субъектлар” орқали, 10 фоизини деҳқон бозорлари орқали ва 20 фоизини эса маҳсулот етиштирувчи субъектлар билан истеъмолчилар ўртасида бевосита тузилган фьючерс шартномалари орқали сотилиши тавсия этилади.

ХУЛОСА

1. Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда шаклланган иқтисодий механизмлар доирасида сут ишлаб чиқаришни ривожлантиришга таъсир этувчи асосий омиллар – табиий-иқтисодий; техник ва технологик; институционал-ҳуқуқий; иқтисодий-географик; агродемографик ва иқтисодий-психологик омиллар сифатида гуруҳланиши мақсадга мувофиқ.

2. Республикамизда “*Экологик сут*” етиштириш учун – экологик тоза сут етиштиришни давлат йўли билан иқтисодий рағбатлантириш ва назорат қилишнинг ҳуқуқий базасини; сутчилик йўналишидаги сигирлар учун экологик тоза ем-хашак етиштириш муҳитини; экологик тоза наслчилик ва насли молларни кўпайтириш; хўжаликларда қорамолларни экологик тоза сақлаш ва парваришlash ҳамда етиштирилган сут маҳсулотларини экологик тоза қайта ишлаш ва қадоқлаш муҳитини шакллантириш лозим.

3. Таҳлиллар кўрсатишича, республикамизда 2016 йилда 2005 йилга нисбатан қорамоллар бош сони 185,1 фоизга, сигирлар 149,4 фоизга; кўй ва эчкилар 174,1 фоизга ва паррандалар сони 318,2 фоизга ортган. Айни пайтда 2005 йилда жами қорамолларнинг 92,2 фоизи деҳқон хўжаликларида, 5,0 фоизи фермер хўжаликларида ва 2,7 фоизи қишлоқ хўжалик корхоналарида парвариш қилинган бўлса, 2016 йилга келиб деҳқон хўжаликлари салмоғи 94,0 фоизга, фермер хўжаликлари салмоғи эса 5,0 фоизга ортган бўлса, деҳқон хўжаликларида хўжалик юритиш шакллари орасида энг юқори (189,7%) ўсиш суръати кузатилган.

4. Сут ишлаб чиқариш жараёнини малакали мутахассислар билан таъминлашда – ҳудудларда мутахассислар сони чорвачилик маҳсулотлари етиштириш билан боғлиқ ветеринария ва зоотехния тадбирларини ўз вақтида ҳамда сифатли бажаришни таъмин этиши; хўжаликлар ҳажми ва даромади кичиклиги боис алоҳида мутахассисни доимий асосда ишга олиш қийинлигини эътиборга олиш; зооветеринария мутахассислари сони етарли бўлиши билан бирга, хўжаликлар учун ортиқча сарф-харажатлар қилишга олиб келмаслиги; ҳудудларда мутахассислар ҳаракати учун транспорт инфратузилмаси ҳолатини ҳисобга олиш; хизмат нархи хўжаликлар имкониятини ҳисобга олиши билан бирга, мутахассиснинг меҳнатини ҳудуд учун шаклланган баҳолар доирасида такрор ишлаб чиқаришга етарли бўлиши эътиборга олиниши лозим.

5. Деҳқон ва фермер хўжаликларини малакали мутахассислар билан таъминлашда қуйидагича ёндашиш тавсия қилинган:

ем-хашак етиштиришда (далачилик агрономи) – ҳудуднинг ем-хашак экин майдонлари миқдорида нисбатан аниқланиб, бунда ҳар бир маъмурий

худуднинг кишлок хўжалиги ерлари суғориладиган, лалми ерлари миқдорига мутаносиб равишда аниқланади;

сут маҳсулотлари етиштириш (зооветеринар) – мутахассислар сони, сут чорвачилигида қорамолларнинг бош сонига нисбатан аниқланади. Чорва молларини шартли мол бош сонига айлантириб ҳисоблаш тавсия қилинади.

6. Республикада чорвачилик соҳасида тайёрланган мутахассисларни чорвачилик маҳсулотлари етиштириш жараёнига жалб қилишда қуйидаги усуллардан самарали фойдаланиш тавсия қилинади:

- *малакали мутахассисларни йирик чорвачилик фермер хўжаликлари ва бошқа шаклдаги чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи субъектларда, зооветеринария хизматлари кўрсатувчи, сутни қайта ишловчи, ресурслар таъминоти билан шугулланувчи корхоналарда доимий ишга жалб қилиш;*

- *малакали мутахассисларни чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи деҳқон хўжаликларига хизмат кўрсатувчи турли хусусий субъект мақомидаги ёки кооперация асосида хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятини ривожлантириш орқали хизмат соҳасига жалб қилиш.*

7. Мавжуд зооветеринария хизмати кўрсатувчи субъектларга муқобил равишда кишлокларда хусусий шахс мақомидаги, фаолияти мунтазам лицензияладиган хизмат кўрсатувчи шахслар (ХКШ) фаолиятини йўлга қўйиш механизми таклиф қилинган ва унинг ишлаш тартиби ишлаб чиқилган. Бунда битта мутахассис учун деҳқон хўжаликлари фаолияти шароитида 400-450 бошдан зиёд қорамоллар ёки 1500-2000 дан зиёд майда молларга сифатли зооветеринария хизматларини кўрсатиш асос сифатида қабул қилиниши мумкин. Шунингдек, ХКШлар мақомидаги зооветеринария хизматлари кўрсатувчи субъектлар учун битта мутахассисга чорва моллари юкламаси ишлаб чиқилган ва тавсия этилмоқда.

8. Сут ва сут маҳсулотларини харид қилиш ва сотиш борасида фаолият олиб борадиган улгуржи бозорларга муқобил сифатида ва ҳозирда маҳсулот сотиш борасида шаклланган тизимни такомиллаштириш варианты ишлаб чиқилган ва тавсия қилинган. Бунда етиштирилган ва товар сифатидаги сут маҳсулотларининг 70 фоизини “Сут маҳсулотларини тайёрловчи субъектлар” орқали, 10 фоизини деҳқон бозорлари орқали ва 20 фоизини эса маҳсулот етиштирувчи субъектлар билан истеъмолчилар ўртасида бевосита тузилган фьючерс шартномалари орқали сотилиши тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.I.10.03
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ИНСТИТУТЕ ИНЖИНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА, ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
ЭКОНОМИКИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

АБДУЛЛАЕВА СЕВАРА СОЛИЖАНОВНА

**ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ
МОЛОЧНОГО СКОТОВОДСТВА**

08.00.04-Экономика сельского хозяйства

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по экономическим наукам**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по экономическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан № B2017.2.PhD/Iqt 92

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте экономики сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета по адресу (www.tiame.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель

Хушматов Норкул Садуллаевич
доктор экономических наук, профессор

Официальные оппоненты

Кодиров Абдурашид Маджидович
доктор экономических наук, профессор

Дусмуратов Ганибай Давлетбаевич
кандидат экономических наук, доцент

Ведущая организация

Тошкентский государственный экономический университет

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в __:__ ч. на заседании научного совета DSc.27.06.2017.I.10.03 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства, Ташкентском государственном аграрном университете по присуждению ученых степеней. (Адрес: 100000, город Ташкент, улица Кари-Ниязий, дом 39. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiame.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства. (регистрационный №____) (Адрес: 100000, город Ташкент, улица Кари-Ниязий, дом 39. Тел.: (99871) 2371945, e-mail: admin@tiame.uz).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(протокол реестра №____ от «__» _____ 2018 года).

У.П. Умурзаков

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней,
д.э.н., профессор

Б.Ф. Султанов

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней,
к.э.н., старший научный сотрудник

К.А. Чариев

Заместитель председателя научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Начиная с 70-х годов XX века, проблема продовольственной безопасности стала обсуждаться как актуальная тема мировой политики и экономики. Так как увеличение численности населения планеты, а также сокращение сельскохозяйственных земель, дефицит воды и экологические проблемы всё больше беспокоят мировое население. В том числе, на проведенном в 1974 году Всемирном Саммите отдельно отмечена «необходимость в любое время поддержания стабильного роста потребления продукции, обеспечения достаточного запаса основной продовольственной продукции для компенсации изменения производства, а также цен»¹. Однако, за прошедший период в мире все более обостряется проблема обеспечения продовольствием. Необходимо отметить, что в настоящее время мясная и молочная продукция занимают важное место в составе основного продовольствия.

Происходящее на планете глобальное изменение климата требует постоянной адаптации системы производства продукции, ресурсообеспечения, сфер продажи и переработки продукции, сформированных в животноводческой отрасли, к ожидаемым негативным последствиям. Особенно, нарастает необходимость в увеличении поголовья скота в частном секторе, развитии сферы предоставления налоговых льгот при оказании племенных работ и зооветеринарных услуг, за счет развития системы оказания зооветеринарных услуг животноводческой отрасли, обеспечения кормом, расширения масштабов различных услуг.

В республике осуществлены широкомасштабные реформы, направленные на установление рыночных отношений в животноводческой отрасли, обеспечена приоритетность частной собственности, последовательно укрепляются экономические, организационные и правовые основы организации производства. В частности, в качестве важного источника повышения занятости в сельской местности, обеспечения внутреннего рынка мясной и молочной продукцией, широко развиваются такие отрасли как скотоводство, птицеводство, рыбоводство, пчеловодство. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития страны в 2017-2021 годах² такие вопросы как дальнейшая поддержка сельскохозяйственных производителей, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, расширение производства экологически чистой продукции, борьба с болезнями скота, улучшение пород скота, совершенствование системы искусственного осеменения определены в качестве приоритетных задач.

Результаты данного диссертационного исследования в определенной степени послужат реализации приоритетных задач определенных в Законах Республики Узбекистан «О фермерских хозяйствах», «О дехканских хозяйст-

¹ United Nations. 1975. Report of the World Food Conference. Rome 5-16 November, 1974. NewYork.

² Указ Президента Республики Узбекистан от 07.02.2017 г. № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» / Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2017. – № 6 (766). – С. 223-248.

вах» (1998), Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-2460 «О мерах по дальнейшему реформированию и развитию сельского хозяйства на период 2016-2020 годы» от 29 декабря 2015 года, Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, а также в других нормативно-правовых актах соответствующих данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Проблемы повышения эффективности отрасли животноводства, развития рыночных отношений в отрасли, совершенствования кооперационных и интеграционных процессов в хозяйствах, специализированных на молочном скотоводстве, привлечения инвестиций в систему производства и переработки, поддержки экспорта, имеющие теоретическое и практическое значение, изучены в научных работах таких зарубежных ученых-экономистов, как В.В.Ляшенко, И.В.Ситникова, Л.Г.Горковенко, Путенко Я, А.Т.Мысик, Ф.Амерсдоффер, А.М.Жебит³.

В нашей же республике достигнуты существенные результаты в развитии дехканских и фермерских хозяйств, специализированных на животноводстве рядом таких ученых экономистов-аграрников, как Ш.А.Акмалхонов, А.М.Кодиров, К.А.Чариев, Р.Р.Раджапов, Р.Х.Хусанов, Т.Х.Фарманов, Н.С.Хушматов, Ш.Файзиева, А.Х.Юлдашев⁴.

